

Собиров Н

ФарДУ профессори.

Ўзбекистон.

Аннотация

Мақолада бирон бир шахс томонидан коррупцион ҳуқуқбузарликни содир этилиши, даъват қилиш ҳолати, шунингдек, бошқа хизматчилар томонидан шу каби ҳолатларнинг амалга ошириши бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат этиш ҳуқуқлари ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар

давлат, орган, ходим, шахс, коррупция, ҳуқуқбузарлик, даъват, ҳолатлар, амал, ошкоралик, маълумот, раҳбар, ҳуқуқ, муҳофаза, мурожаат, белги.

Коррупцияни ҳар бир соҳадан қувиб чиқарайлик.

Ш.Мирзиёев

Мустақиллик даврида мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқ тартиботни таъминлашнинг ҳуқуқий асослари шакллантирилди, коррупцияга қарши курашиш тизими яратилди.

Ўзбекистон Республикаси БМТнинг “Коррупцияга қарши конвенсиясига (2003 йил 31 октябр, Нью-Йорк) 2008 йили, шунингдек, 2010 йили иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти доирасида қабул қилинган коррупцияга қарши кураш бўйича Истанбул ҳаракат режасига (2003 йил 10 сентябр, Истанбул) қўшилиши коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантиришда муҳим рол ўйнайди.

Шунинг учун ҳам давлат органи ходими бирор бир шахс томонидан уни коррупцион ҳуқуқбузарликни содир этишга даъват қилиш ҳолати, шунингдек, бошқа хизматчилар томонидан шу каби ҳолатларнинг амалга ошириши бўйича унга ошкор бўлган маълумотларни ўз раҳбари ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат этиш ҳуқуқлари белгилаб қўйилди.

Мазкур мажбуриятларининг амалда бажарилмаслиги қонунчиликка мувофиқ тегишли равишда жазоланиш қонидаси ўрнатилди. Коррупцион жиноят тўғрисида ахборот берган шахс давлат химояси остига олинган бўлди. Шунингдек, мазкур қоида ёлғон маълумотларни тақдим этувчи фуқароларга нисбатан амал қилмаслигига эътибор қаратилди.

Қонуннинг алоҳида моддалари билан ҳар қандай фуқаро турли ташкилотлар ва давлат органлари фаолияти, ўзга ёки бошқа шахслар гуруҳида тааллуқли қабул

килинаётган меъёрий актлар тўғрисида маълумот олиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилди.

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва нодавлат ташкилотлар ОАВ га коррупция билан боғлиқ ҳодисалар, далиллар, воқеалар ва жараёнлар тўғрисида маълумотларни тақдим этиш учун қулай шароитлар яратилди.

Мазкур чара - тадбирларнинг янги ва янада самарали тизимини яратиш, коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларини тўлиқ қонуний тартибга солишга, давлат органлари, ташкилотлар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари томонидан амалга оширилаётган коррупцияга қарши чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш орқали жамиятда коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига тоқат қилмаслик муҳитини яратишга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Мазкур қонунда коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари ва бу борадаги давлат сиёсатининг муҳим йўналишлари мустаҳкамланди. Қонун фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилишни таъминлашнинг қўшимча ҳуқуқий кафолатларини яратди. Шунингдек, у хусусий мулк ҳуқуқига ғайриқонуний тажовузлар қилинишидан, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашувлардан ҳимоя қила бошлади.

Қонуннинг 7-моддасига биноан коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органларига қуйидагилар киради: Бош прокуратура; Давлат хавфсизлиги хизмати; Ички ишлар вазирлиги; Адлия вазирлиги; Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти; Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа давлат органлари ҳам амалга оширади.

Шу билан бирга, қонунда коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш учун коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясини ташкил этиш ҳам назарда тутилади.

Идоралараро комиссияни шакллантириш ва унинг фаолияти тартиби Ўзбекистон Республикаси томонидан белгиланиши назарда тутилди. Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар ташкил этиш белгиланди.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиши ҳамда амалга оширишларини ташкил этиш;

- коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва ҳамкорликни таъминлаш;

- аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишни ташкил этиш;

- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни олдини олишга, уларни аниқлашга, уларга чек қўйишга, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир чора-тадбирлар самарадорлиги оширишини таъминлаш;

- коррупция ҳолати ва тенденциялари тўғрисидаги ахборот йиғиш ҳамда ташкил этиш;

- коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан мониторингни амалга ошириш, ушбу соҳадаги мавжуд ташкилий-амалий ва ҳуқуқий механизмлар самарадорлигини баҳолаш;

- коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва ушбу соҳадаги ишларни яхшилаш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

- коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш[1].

Коррупциянинг соҳасида амалга оширилиши долзарб бўлган асосий вазифалар:

-Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисидаги Фармон мазмун- моҳиятини аҳоли онгига сингдириш;

- олий таълим соҳасида коррупциявий хавф-хатарларнинг келиб чиқиш сабаби ва омилларини умумийлигига кўра: иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий омилларни таҳлил этиш орқали ҳар бир омилларни бугунги кун ижтимоий ҳаётидаги амалий мисоллар ёрдамида кўриб чиқиш ва уларнинг туб моҳиятини англашга ёрдам бериш;

-“Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” ги ПФ - 5618 – сон Фармонини тушунтириш орқали талаба ва ёшларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш.

Коррупцияга қарши курашишнинг асосий тамойиллари:

Меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар коррупцияга қарши курашиш тизимини қуйидаги тамойилларга асосланиб амалга оширади:

қонунийлик – меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотларда коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари, давлат органларида коррупцияга қарши курашиш бўйича жаҳонда тан

олинган амалиётни ҳисобга олган ҳолда ҳамда Вазирлик тизимининг белгиланган ички ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади;

коррупцияга тоқатсизлик – меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар ўз фаолиятининг барча соҳаларида коррупциянинг ҳар қандай шакллари ва кўринишларига муросасиз муносабатда бўлади. Меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотларнинг ходимларига коррупциявий хавф- хатар келиб чиқиши мумкин бўлган фаолиятда бевосита ёки билвосита иштирок этиш таъқиқланади;

очиклик ва шаффофлик – Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш соҳасида қабул қилинган ва амалга оширилаётган чора - тадбирлар ҳақида меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар ходимлари ва контрагентларини, кенг жамоатчиликни хабардор қилиш;

коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлиги – коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни содир этган Вазирлик тизими ходимлари ўзининг мақоми ва эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар Вазирликнинг ички ҳужжатлари ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортиладилар;

коррупцияга қарши курашиш тизимини доимий равишда такомиллаштириш – коррупцияга қарши курашиш тизимини мониторинг ва назорат қилиш ҳамда коррупциявий хавф–хатарларни амалга ошириш натижаларига кўра меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимининг самарадорлигини тўхтовсиз равишда кучайтириш чораларини кўрадилар[2].

Коррупцияга қарши кураш давлатимиз фаолиятининг энг муҳим соҳаси эди ва ҳозир ҳам шундай бўлиб турибди. Бугунги кунда коррупция давлатнинг самарали ривожланишига тўсқинлик қилувчи, катта ижтимоий хатар туғдирувчи жиддий шарт-шароитлардан бири ҳисобланади. Шу сабабли коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш замонавий жамият ва давлат ривожланиши учун муҳим ва долзарб муаммосига айланиб бормоқда.

Айни пайтда давлат томонидан кўриляётган барча саъй - ҳаракатларга қарамай, коррупция мамлакат миллий хавфсизлигига ҳақиқий хавф-хатар туғдирмоқда. Бу жамият барқарорлига ва хавфсизлигига путур етказади, ижтимоий иқтисодий ва сиёсий тараққиётда сезиларли йўқотишларга олиб келади. Шу боис унга қарши самарли курашишга шайлик жаҳон ҳамжамяти томонидан давлат цивилизацияси, демократик қадриятларга содиқлигининг асосий кўрсаткичи сифатида баҳоланди.

Коррупция ҳар қандай давлатнинг миллий хавфсизлигига таҳдидлардан бири эканлиги ҳақидаги баёнот алоҳида далилларни талаб қилмайди, чунки коррупция даражаси қанчалик барқарор бўлса мамлакатнинг сиёсий тизими эмас, балки жамият қанчалик қашшоқ бўлса, шунчалик юқори бўлади.

Иқтисодий жамиятнинг криминаллашув даражаси, коррупциянинг замонавий тушунчаси 15-16 асрларда шакллана бошлади. Ўша даврлардаёқ машхур “Suveren” асари муаллифи Н.Макиавелли коррупцияни нафақат жамият касаллиги, балки истеъмол каби танадаги жиддий касаллик билан солиштиради. Бошланиш вақтида бу касалликни таниб олиш қийин, аммо осон даволанади. Агар у эътиборсиз қолса, уни таниб олиш осон, аммо даволаш қийинлашади.

XX аср бошидаги немис классики М.Вебер ҳар қандай давлатнинг замирида амалдорлар ҳукмронлиги ётишини тан олиб, бюрократияга айланиши мумкинлигидан огоҳлантирган. Назоратсиз “ махфий” ташкилот ва охир оқибатда фойдаланиш шахсий мақсадлар учун уларнинг позицияси. Коррупция одатда мансабдор шахснинг ўзига ишониб топширилган ўз ҳокимияти ва ҳуқуқларидан фойдаланишни билдирувчи атама, шунингдек, шу билан боғлиқ тушунчалар. Ҳокимиятнинг расмий мақоми, имкониятлари, шахсий манфаат учун алоқалар, қонунчилик ва ахлоқий тамойилларга зид. Коррупция, шунингдек, мансабдор шахсларнинг порахўрлиги, конхўрлиги, мафиоз давлатларга хос бўлган порахўрлик дейилади. Европа тилларига тегишли атама одатда лотинча асл сўзнинг асосий маъносидан келиб чиқадиган кенгроқ семантикага эга.

Коррупциянинг характерли белгиси мансабдор шахснинг хатти- ҳаракатлари ва унинг иш берувчи манфаатлари ўртасидаги зиддият ёки сайланган шахснинг хатти-ҳаракатлари билан жамият манфаатлари ўртасидаги зиддиятдир. Коррупциянинг кўп турлари мансабдор шахс томонидан содир этилган фирибгарликка ўхшайди ва давлат органларига қарши жиноятлар тоифасига киради Ўзига тегишли бўлмаган ҳар қандай ресурсларни ўз хоҳишига кўра (мансабдор шахс, депутат, судья, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими, бошқарувчи ва бошқалар) тақсимлашда ихтиёрий ваколатга эга бўлган ҳар қандай мансабдор шахс коррупцияга дучор бўлиши мумкин.

Коррупциянинг рағбатлантирувчи омили – бу ҳокимиятдан фойдаланиш билан боғлиқ иқтисодий фойда (ижара) олиш имконияти, асосий тўхтатувчи омил эса таъсир қилиш хавфи ва жазо. Коррупциянинг тизимлилиги унинг таркибига кирувчи давлат ташкилотларида ишлаётган шахсларга нисбатан мажбурлаш хусусиятида намоён бўлади: куйи бўғинлар пора йиғиб, юқоридагилар билан бўлишиб ўз мавқеини сақлаб қолишади[3].

Ҳозирги кун, жамият, одамлар бу иллатга қарши янада фаолроқ, қатъийроқ, тезроқ курашишимизни талаб этмоқда . Яна нималар қилиш керак? Бу ишларни янада кучайтириш зарур. Бунинг учун республикамизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида бир қатор муҳим йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман:

Биринчидан, коррупцияга қарши курашишнинг превентив чоралари самарадорлигига эришиш керак. Яъни иллатнинг олдини олишнинг назарий пойдевори — “таълим, хабардорлик ва тарғибот” (education, awareness and advocacy)

тамойилларига асосланиб, амалий томондан эса 0“самарадорлик, шаффофлик ва ҳисобдорлик” тамойиллари асосида аниқ давлат сиёсатини ишлаб чиқиш лозим.

Бу борада давлат сиёсати ривожланган мамлакатлар, хусусан, Сингапур, Грузия, Германия тажрибаларига ҳамоҳанг равишда “one size fits all”, яъни “барча учун бир хил мезон” модели асосида ишлаб чиқилиб, коррупцияга қарши курашишнинг аниқ ҳуқуқий механизми, самарали институционал тузилмаси, молиявий ва меҳнат ресурслари билан доимий таъминлаб турилиши, мунтазам мониторинг фаолияти ҳамда ҳолис ва шаффоф баҳолаш тизими ишлаши лозим.

Иккинчидан, коррупцияга қарши курашиш стратегиясида интеграциялашган ёндашувни қўллаш яхши самара беради. Бунда давлат органларининг фуқаролик жамиятининг барча институти билан ҳамжиҳат фаол ҳаракатини таъминлаш назарда тутилади[4].

Шунингдек, коррупцияга қарши курашишда миллий тузилмаларнинг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигини янада кучайтириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилди. Бу борада Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш соҳасида интеграцияга эришишга тўсқинлик қилаётган омиллардан бири — аниқ статистика ва мақбул далилларга асосланган маълумотга таянган ҳолда иш олиб бориш тизимининг мавжуд эмаслиги ҳисобланади.

Учинчидан, жамиятнинг ҳар бир соҳасида, хусусан, тадбиркорлик, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларида коррупцияга қарши курашишни янада кучайтириш, у билан боғлиқ айрим хатти-ҳаракатларни криминализациялаш ҳамда халқаро стандартларни тўлиқ ва тўғри қўллаш лозим. Бунда халқаро ҳужжатларда назарда тутилган “ноқонуний бойлик орттириш”, “учинчи шахсларнинг моддий манфаатларини кўзлаб таъмагирлик қилиш” каби ҳаракатларни криминализациялаш масалаларини кўриб чиқиш;

Тўртинчидан, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга доир чоратадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишни ташкил этиш ва бошқалар.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурининг ижроси амалга оширилиши лозим бўлган асосий масалалардан биридир. Бунда, аввало, мониторинг жараёнида самарали ҳуқуқий механизмнинг етарли эмаслиги, давлат хизматчиларининг этика қоидаларига риоя қилиш даражасининг пастлиги, давлат органлари фаолияти очиқлиги тамойилининг амалда номигагина ишлаётганлиги каби масалалар ҳал этилиши лозим.

Шунинг учун оиладан, мактабгача муассасалардан, мактабдан бошлаб, меҳнат жамоасида, маҳаллада олиб борилаётган ахлоқий тарбия ишларини кучайтириш, жамоатчилик назоратини кузатувчиликдан амалий фаолиятда фаоллаштириш, оммавий ахборот воситаларида коррупциянинг олдини олишга қаратилган кўрсатувлар, эшиттиришлар, мақолалар сонини кўпайтиришлар ҳам коррупцияга

қарши қурашиш ва уни олдини олиш ишимизнинг асосини ташкил этсагина биз кўзлаган мақсадга эришамиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

- 1.Исмоилов Б.И. Коррупцияга қарши қурашишнинг халқаро ҳуқуқий асослари - Т., 2013.. б.13.
- 2.Азимова Л., Янги Ўзбекистон, -2021. 30 сентябрь №38, б.6.
3. Исмоилов Д.Очиқлик ва шаффофлик коррупцияга тўсиқ // Халқ сўзи, 2022. 22февраль, № 39.
- 4.Хамроев А.,Коррупцияга қарши қурашиш – барчанинг иши // Мулоҳаза, 2019й. б.2.
5. Собиров Н., Акбаров О.А. Коррупция – иллат. Фарғона,“Classic”, 2022 й.
- 6.Собиров Н., Коррупцияга қарши қурашда фаоллик зарур .”Адолат ва ҳуқуқ”. 2024 йил 16 январь, № 1-2, б.14